1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

MILLIY TIKLANISH

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2008 йил 9 ЯНВАРЬ

1 (438)-сон

Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА 2009-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда мусиқий таълимни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соҳа педагог ва мутахассисларининг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида:

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини 2008 йилнинг 1 апрелигача ишлаб чиқсин ва уни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

республикадаги мавжуд барча болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва уларнинг ҳолатини танқидий баҳолаш орқали бугунги кун талабларига қай даражада жавоб беришини аниқлаш;

ушбу мактабларни янгитдан қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ҳар томонлама асосланган хулоса ва таклифлар тайёрлаш;

ёш авлоднинг мусиқий истеъдоди ва маданиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида аҳоли ва ўқувчилар сонини ҳисобга олган ҳолда, энг камида биттадан замонавий мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсатишини кўзда тутиш;

янгитдан қуриладиган, тўлиқ реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган болалар мусиқа ва санъат мактаблари биноларининг уч хилдаги намунавий («типовой») лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва шу асосда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бу борада ҳудудлардаги мавжуд бўш бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш, тегишли жиҳозлаш ишларини амалга ошириш мақсадида экспертиза хулосаларини тайёрлаш;

болалар мусиқа ва санъат мактабларини замонавий ўқув ва мусиқа анжомлари билан таъминлашни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш;

умумтаълим ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун мусиқа фани бўйича давлат ўқув стандартлари ва дастурларини, дарсликлар ва методик қўлланмаларни замонавий мезонлар асосида такомиллаштириш;

болалар мусиқа ва санъат мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, соҳа учун ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтириш.

3. Ушбу Давлат дастурини амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар давлат бюджети, ҳомийлар, чет эл грантлари ва бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин.

4. Мусиқа ва санъат мактабларида олиб бориладиган қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини молиялаштириш вазифаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси зиммасига юклатилсин ва шу мақсадда мазкур Жамғарма низомига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси умумтаълим ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларини малакали мутахассислар билан таъминлаш учун 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан тақдим этилган таклифларга биноан, олий таълим муассасаларига мусиқа йўналишлари бўйича қабул квоталарини қайта кўриб чиқсин.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 7 январь

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СЛОВЕНИЯ РАИСЛИГИНИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ НОМИДАН БАЁНОТИ

1. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазоси бекор қилинганини қизғин маъқуллайди. Биз Ўзбекистон ҳукумати ва халқини ушбу муҳим қарор билан самимий қутлаймиз. Европа Иттифоқи Ўзбекистон ҳукуматини ушбу қарорни тўла рўёбга чиқариш ҳамда суд тизимидаги ислоҳотларни бундан буён ҳам изчил амалга оширишда қўллаб-қувватлайди.

2. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлади, деб ҳисоблайди.

Европа Иттифоқи ўлим жазосининг бутун дунёда бекор қилинишига эришиш ўз фаолиятининг асосий мақсади эканини яна бир бор тасдиқлайди. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши юқорида қайд этилган мақсад йўлида қўйилган муҳим қадам, деб билади ва минтақадаги бошқа мамлакатлар ҳам бу борада Ўзбекистондан ўрнак олади, деб умид қилади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Азамат АҲМАД олган сурат.

"XIVA KARPET" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган гилам маҳсулотлари нафақат юртдошларимизга, балки хорижликларга ҳам маъқул келмоқда. Уларнинг нақшинкор гуллари, бетакрор безакларида ҳам миллий, ҳам замонавий руҳ мужассам.

— Хива гиламчилигинг довруғи етти иқлимга етган, — дейди "Ўзбекенгилсаноат" компанияси мутахассиси Нодира Маткаримова. — Бу гиламлар ҳар бир хонадонга файз олиб киради, назаримда. Нега десангиз, уларнинг ҳар қатим ипагига гилам тўқиш цехида ишлаётган опасингилларимизнинг меҳру муҳаббати, эзгу тилаклари сингиб кетган.

Фракция йиғилиши

Қонун лойиҳалари муҳокамаси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, партия Марказий кенгаши девони ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишни парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари, партия Марказий кенгаши раиси Х. Дўстмуҳамедов олиб борди.

Тадбирда кун тартибига қўйилган бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрель) қўшилиши ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (биринчи ўқиш) юзасидан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Т. Раҳимов ахборот берди.

Таъкидландики, Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2005 йил 14 сентябрда қабул қилинган. Мазкур муҳим ҳужжат 2007 йил 7 июлда кучга кирган. Ҳозирги вақтда 115 та давлат уни имзолаган ва 24 та давлат аъзо ҳисобланади. Конвенция муқаддима ва 28 та моддадан иборат бўлиб, унинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат: ядровий терроризм ва унга қарши курашда самарали натижа берадиган чоралар кўришда кўмаклашиш ва мустаҳкамлаш, ядровий терроризм ва унга қарши курашда ҳамкорликни ҳамда техник ёрдамни кенгайтириш, соддалаштириш ва қўллаб-қувватлаш.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А. Тўхташевнинг "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш) ахбороти тингланди. Қайд этилдики, амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида жиноят судлов ишларини юритишда инсонпарварлик ва одиллик принципларини татбиқ этишга доир қатор чоралар амалга оширилди. Ушбу модданинг янги таҳририда тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо муддати ва миқдорини Жиноят кодекси махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисми доирасида белгилаш таклиф этилмоқда.

"Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (биринчи ўқиш) бўйича ҳам Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А. Тўхташев батафсил ахборот берди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, транспорт, шу жумладан ҳаво транспорти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Лекин кейинги пайтда темир йўл вагонлари, автобуслар, таксилар, шаҳар ичида қатновчи электр транспортлари ва метрополитен вагонларининг ойналарини синдириш, уларнинг ички жиҳозларига шикаст етказиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Ушбу ҳуқуқбузарликларга қарши кураш самарасиз бўлаётгани сабабли мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳалари депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Шунингдек, фракция йиғилишида жорий йилда партия олдида турган бир қатор муҳим вазифалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Х. КАРИМОВ.

ҒОЛИБЛАРНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ!

ЎзМТДПнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, ҳудудий партия кенгашлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларни ташкилий-молиявий қўллаб-қувватлашни кўзлаб партия Марказий кенгаши ташаббуси билан 2007 йилда учта йўналиш бўйича кўрик-танлов эълон қилинганди.

Уни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотлар фаолиятига баҳо беришдан иборат эди. Яқинда ғолиблар аниқланиб танлов ҳайъати қарорига кўра партия Марказий кенгашининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

"Йилнинг энг яхши вилоят кенгаши" йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритган **Самарқанд вилоят кенгаши** 1 дона компьютер жамланмаси, **"Вилоятнинг энг фаол туман (шаҳар) кенгаши"** йўналишида ғолиб бўлган **Қарши шаҳар кенгаши** эса нусха кўчириш аппарати, **"Энг яхши бошланғич партия ташкилоти"** деб топилган **Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрининг Файзулла Хўжаев маҳалласидаги бошланғич партия ташкилоти** идора мебели тўплами билан мукофотланди. Танловда фаол иштирок этган ЎзМТДП **Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши** эса **рағбатлантирувчи мукофот** — факс аппарати билан тақдирланди.

Мирфозил билан Хасти Имом мажмуасини айланиб юриб, тасодифан танишиб қолдик. Қайтадан таъмирланиб, ўзгача чирой касб этган Бароқхон мадрасасидаги қатор ҳужраларнинг бирида ўз устахонасини очган бу йигит "касбингиз нима?" деган саволимизга "саҳҳоф" деб жавоб берди.

Саҳҳофнинг сеҳрли санъати

Саҳҳоф... Узоқ мозийда китоб муқовасини безатувчи ҳунарманд-рассомларни худди ана шу ном билан аташганидан хабардор эдик. Демак, ҳозирда ҳам саҳҳофлар бор экан-да. Қизиқишимиз ортди. Эгнидаги қордек оппоқ, оҳорли яктаги-ю, бошидаги қалампир нусха дўпписи ўзига қўйиб қўйгандек ярашиқ, қотмадан келган, юзларидан ўзбекона одоб, тийраклик, самимият ёғилиб турган бу чақмоқдек йигитга, унинг ноёб ҳунарига ҳавасимиз ортди. Унинг қўлидан чиққан нақшинкор, заррин китоб муқовалари, ранго-ранг миниатюралар, теридан ишланган жуда ҳам нозик, нафис қаламдон, хатдонларни кўздан кечиргач эса бу ёшгина замондошимизнинг бугунда унутилаёзган саҳҳофлик касби корига қизиқишимиз ўн чандон ортди.

Шу куйи Мирфозилни суҳбатга тортдик.

— Бизга саҳҳофлик аждодларимиздан мерос, — дейди ҳамсуҳбатимиз, — отам, таниқли саҳҳоф уста Суннатилла Пўлатов ҳақида эшитган чиқарсиз? У киши кўп йиллик самарали ишлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироклари учун Фахрий ёрлиқ ҳам олганлар. Бобом Ғайбулла ота Пўлатов саҳҳофликдан яхшигина хабардор бўлсалар-да, бу соҳада ишламаганлар. Ҳозир салкам саксонга кирдилар. Уларнинг оталари — бобокалонларимизнинг ҳаммалари ҳам саҳҳоф бўлишган.

— Ғайбулла бобонгиз нега саҳҳофлик қилмаган эканлар?

— Бобомдан бу ҳақида кўп сўраганман, — дейди Мирфозил, — авваллари бу борада гап очишни истамасдилар. "Ёшсан, болам, катта бўлиб, улғайгач ҳаммасини ўзинг тушуниб оласан", дердилар... Энди билсам, тарихимиз сохталаштирилган, Ислом дини таъқиқланган, қадриятларимиз топталган собиқ тоталитар тузум даврида саҳҳофликдек қўҳна ҳунарлар ҳам, уларнинг соҳиблари ҳам камситилган, уларнинг эмин-эркин ишлашларига, ижод қилишларига йўл берилмаган экан... Ғайбулла бобомнинг уч ўғилларидан фақат менинг дадамгина аждодлари ишини давом эттирган бўлсалар, бугунда биз беш ўғилдан учтамиз бу соҳани эгаллаганмиз. Укам Мирфаёз лак миниатюраси билан шуғулланади. Мирвосил эса қадимги қоғозларга миниатюралар чизади...

— Қадимги қоғозларни қаердан топиш мумкин? — сўраймиз.

— Ўтмишдаги китобат илми эгалари кўп зукко, узоқни кўзлаб иш тутган кишилар бўлишган экан-да, — дейди ёш саҳҳоф, — мана қаранг, у иш столи четида турган кўҳна китоблардан бирини очиб кўрсатади, — ҳар бир китоб охирида бештадан ўнтагача бўш, ёзилмаган варақлар бор. Буни келажакда китобнинг бирор вароғи йиртилса ёки йўқолса тиклаб, тўлдириш учун атайин ташлаб кетишган. Укам Мирвосил ўз ишида асосан, ана шу заҳира қоғозларидан фойдаланади. Яна... ҳозир Самарқандда ипак аралаштирилган мана бундай қоғозлар ҳам ишлаб чиқариляпти, — дейди Мирфозил бизга оппоқ, сўлқилдоқ, доира пардасини эслатувчи қоғозни кўрсатаркан. — Бу қоғозлар келажакда катта миниатюрачи рассом бўлишга бел боғлаган укам учун тайёр иш ашёси... Боболаримизнинг ҳаммалари ҳам саҳҳофлик санъатига ошно кишилар бўлишгани учун ҳам уйимизда араб имлосидаги кўпгина ноёб китоблар сақланиб қолган. Бу китобларнинг безатилиши, муқовалари, ички саҳифаларидаги миниатюралар биз учун тайёр мактаб, андоза...

Ноёб ҳунар эгалари

— Саҳҳофликдаги устозингиз?..

— Отам уста Суннатилла ака меҳрибон, талабчан устозим ҳамдир, — дейди Мирфозил. Яна у Беньков номидаги рассомчилик коллежида ўқиб юрган даврида нақш, ёғоч ўймакорлиги санъатидан сабоқ берган машҳур халқ ҳунарманди, академик Ортиқ Файзуллаев номини алоҳида ҳурмат билан тилга олади.

Ота-бола Пўлатовлар Тошкент Ислом университети ҳамда пойтахтимиздаги бир қатор нашриётлар билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. 2005 йилда улар муқовасини тайёрлаб берган бир қанча китоблар Москвада бўлиб ўтган Халқаро китоб кўргазмасида намойиш этилди ва фахрли 1-ўринни олди.

Давоми 2-бетда

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

ЎзМТДП Гулистон шаҳар кенгаши қошидаги бошланғич ташкилотлар орасида Ф. Хўжаев номли маҳаллада ташкил этилган партия ташкилоти ҳар жиҳатдан ажралиб туради.

— Бошланғич ташкилотимиз 2004 йилда тузилган, — дейди унинг раиси Комилжон Маматқулов. — Ўшанда 10 нафар аъзо билан иш бошлагандик. Ҳозирга келиб уларнинг сони 84 нафарга етди. Сафимизга яхши ният билан қўшилаётганлар кун сайин ортиб бормоқда. Уларнинг ҳаммаси ҳам партиямизнинг Устав ва Дастуридаги умуминсоний ғояларни қўллаб-қувватлашади.

Эътиборли жиҳати шундаки, бошланғич ташкилот фаоллари ҳамкорликда самара бор, деган шиор билан ишлашади доим. Улар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» ва «Соғлом авлод учун» жамғармалари билан ҳам ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Нафақат маҳалла ҳудудида, балки қўшни маҳаллаларда, ёшлар, хотин-қизлар иштирокида турли мавзуларда тадбирлар уюштириб келинади.

— Р. Бобожонов номли маҳаллада, Дўстлик қўрғонида ҳам вақти-вақти билан давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар ташкиллаштириб келамиз,— дейди суҳбатдошим. — Ҳар бир тадбирда иштирокчиларни асосий мақсад ва вазифаларимиз билан таништириб боришга одатланганмиз. Шунинг учун бўлса керак, «Миллий тикланиш» сафларига янги аъзолар келиб қўшилмоқда. Уларнинг бири ўқитувчи, бошқаси тиббиёт ходими, яна бири талаба ёки меҳнат фахрийси. Энг муҳими, кўнглида ёруғ бир истак билан сафимизга кираяпти улар.

Комилжоннинг мутахассислиги иқтисодчи. Гулистон давлат университетини тамомлаган. Тадбиркорлик фаолиятини 1989 йилда телпак тикиш цехини очиш билан бошлаган партиямиз фаоли ҳозирда «Дилшод-Акмал-ҳамкор» фирмасини бошқариб келмоқда. Фирма фаолият бошлагач, 32 киши иш билан таъминланди. Қўли очиқнинг йўли очиқ, дейдилар. Фирма даромадининг бир қисмини ҳомийлик ишларига ажратяпти. Унинг ташаббускорлигида шаҳардаги 1-Меҳрибонлик уйи болаларига, ногирон ва кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Маҳалладаги кекса-ю ёш унинг бу хайрли ишларидан мамнун.

Танлов совриндорлари

— Вилоятимиздаги кўпгина бошланғич ташкилотлар фаолияти билан яқиндан танишман, — дейди К. Маматқулов. — Уларнинг иш режаларини ҳам кузатаман. Кўпинча тадбирларда партиядошлар билан дилдан суҳбатлашиш, тажриба алмашиш имкони пайдо бўлади. Шундай пайтда фикрларимни, таклифларимни айтаман, илғор етакчилардан маслаҳатлар оламан. Жорий йилдан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг кучга кириши партиядошларимиз олдига масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Бу эса ҳар бир партия аъзосидан чуқур сиёсий билим ва малака талаб қилади. Аҳоли ўртасида ҳам мазкур қонуннинг аҳамияти ва моҳиятини тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз. Сафларимизда эл-юрт дардини ўзиники деб билган, миллат равнақини ўйловчи, ғайрат-шижоатли зиёлилар кўп. Биз эса мана шундай фидойилар мададига таянамиз. Фаолиятимизнинг асосини уларнинг ташаббускорлиги ва ҳаракатчанлиги белгилаб беради. Шу ўринда бир фикр туғилди, истардимки, партиямизнинг бошланғич ташкилоти ҳар бир маҳаллада бўлсин. Ахир, маҳалла ҳам кичик бир Ватан. Миллий тикланиш эса оиладан бошланади.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.

Тарихий ҳақиқат саҳифалари

Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб газетамизнинг ўтган сонларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши аъзоси Мунирахон Қориеванинг «Тарихий ҳақиқат саҳифалари» рукни остида туркум мақолалари эълон қилинган эди.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2008 йилни Ёшлар йили деб эълон қилди. Қуйида муаллифнинг шу муносабат билан тайёрлаган илк мақоласи билан танишасиз.

ЁШЛАР – ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Саккизинчи мақола

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидаёқ Президент И. Каримов ёшларни ҳар томонлама ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, куч-ғайрати ва салоҳиятини яратувчилик ва бунёдкорлик ишларига йўналтириш, баркамол инсон бўлиб етишишлари учун шарт-шароитлар яратиш йўлини тутди. Юртбошимиз томонидан 2008 йилнинг Ёшлар йили деб аталиши ёшларга муҳим аҳамият бераётганлигини англатади.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бугунги ёшларнинг жамиятдаги ўрнини баҳолар экан, шундай деди: "Ўз-ўзидан аёнки, аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт".

Агар биз мустақиллик йилларида ёшларимизнинг етук инсон бўлиб етишиши учун амалга оширилган ишларга назар солсак, асрларга тенг бунёдкорлик фаолияти кўз олдимизда гавдаланади. Хусусан, 1992 йилда қабул қилинган Конституциямизнинг 41-моддасида "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир", 42-моддада эса "Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади" каби қоида ва тамойилларнинг белгилаб қўйилиши натижасида ёшларнинг баркамол инсон бўлиб етишиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилди.

1991 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унинг 1-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсади ва қоидалари қуйидагича ифодаланади: «Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият мафаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир".

Қонун давлатнинг мамлакатдаги ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъминлашдан ташқари, уларнинг ишлашини, илм олишини, ўз салоҳиятини ўстиришни ҳимоясига олади. Шу билан бирга, қонуннинг мазкур моддасида ёшларни демократик қадриятлар руҳида шакллантиришнинг муҳим ҳуқуқий асослари мужассамлашган. Айниқса, ёшларнинг ҳуқуқлари билан улар бурчларининг бажарилиши ва амалиётининг ўрнатилиши ўз ифодасини топган. Шунингдек, 5-моддада «ёшлар номидан уларнинг жамоат бирлашмалари ёшларга оид давлат сиёсатининг субъектлари» эканлигининг тан олиниши ёшлар ташкилотларининг нафақат жамиятда, балки давлат органлари билан бўлган муносабатлари ва алоқаларида ўзаро тенглик принципларига амал қилишини таъминлаб бериши мумкин бўлган қоидадир.

Ёшлар ташкилотларини тузишда қонуннинг 19-моддаси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда республикада фаолият юритиши мумкин бўлган жамоат бирлашмаларининг асосий мақсадлари ва уларни эътироф этиш принципи ифодаланди. Шунингдек, аҳолининг 30 ёшгача бўлган қисмини ёшлар қаторига қўшишнинг аниқ кўрсаткичи ўрнатилди. 19-моддада тузилажак ташкилотларнинг асосий мақсади этиб республика ёшларини фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳаётда амалга ошириш, шунингдек, уларнинг ўз фаолиятларини ўзлари ташкил этиши ва фаоллигини оширишини ривожлантиришдир, деб белгиланди.

Албатта, бу модда кейинчалик мамлакатда ўнлаб ёшлар ташкилотлари ва уларнинг бўлимларини очишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди.

Мустақилликнинг дастлабки даврларида мамлакатда собиқ комсомол ташкилотини ислоҳ қилиш натижасида шаклланган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолият юритмоқда эди. Бу ташкилот ўз даврида етакчилик қилишга қанчалик ҳаракат қилмасин, унинг низомий ва дастурий ҳужжатларидаги олдинги «демократик марказлаштириш» принципларидан мерос бўлиб қолган қоидалар янги демократик жамият мезонлари ва талабларига жавоб бера олмади. Айниқса, ташкилотнинг ёшларни ўз пленуми ва конференциялари қарорларини бажаришга сафарбар қилишга уриниши, қарорларда ёшларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари унчалик яхши акс этмаганлиги туфайли ҳам у жамиятда илдиз отиб кета олмади.

Бу ташкилот ўзининг ташкилий тузилишига биноан ҳам фақат бир гуруҳ ёшларнинг ташкилоти бўлиб қоларди. Шунингдек, ёшлар иттифоқи ёшларни миллий истиқлол мафкураси, миллий мерос ва маънавият руҳида камол топиши масалаларини ҳам ҳал қила олмади. Ташкилот фаолиятида доимо эски комсомол ташкилотларининг иш усуллари, фаолият механизмлари сезилиб турди. Ташкилот кўпинча слётлар, турли тантанали анжуманлар ўтказишга муккасидан кетиб, ёшлар ишлайдиган ва ўқийдиган жамоаларни ўз ҳолига ташлаб қўйган эди. Энг ачинарлиси эса ёшлар иттифоқи ёшларнинг интилишига, маънавий юксалишига кўмак бера оладиган бирон-бир ғоявий ва мафкуравий қарашлар тизимини ҳам ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этолмади. Ташкилот раҳбарларининг аксарияти ҳам комсомол ташкилотларида суяги қотган ёшлардан иборат эди. Ана шундай ҳолатлардан келиб чиқиб, ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаридан ёшларнинг янги ташкилотини тузиш ҳаракати бошланди.

1996 йилнинг 17 апрелида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги Фармони асосида янги ёшлар ташкилоти шаклланди. Жамғармага ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, чуқур билим, касб эгаллаши, ўзларида юксак маънавият, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини ҳосил қилиши, уларнинг истиқлол ишининг изчил давомчилари бўлиб етишишларида кўп қиррали ёрдам кўрсатишни ўзининг дастурий вазифаси қилиб белгилаганлиги маъқулланди. Шунингдек, жамғарманинг ёшларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш ишларида қатнашиш, уларнинг билим олиш, меҳнат қилиш, сиёсий ва бошқа конституциявий ҳуқуқларини тўла амалга ошира олишлари учун шарт-шароит яратиш, ёшларда умуминсоний қадриятлар, миллий ахлоқ, одоб, демократик йўналишларни такомиллаштириш асосида баркамол маънавий хислатлар, юртга муҳаббат, Ватанга садоқат, миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун зарур муҳит ва шарт-шароитнинг яратилишига кўмаклашиш вазифалари белгиланди. Лекин жамғарма ҳам ўзининг низомий мақсадларини бажара олмади. Жамғарма раҳбариятида ҳам суст-кашлик кайфиятлари ҳукмрон бўлиб, «Камолот»га ёшларнинг ижтимоий ташкилоти сифатида эмас, балки оддий бир жамғарма сифатида қарашлар асосида фаолият юритишга мойиллик кучли бўлди. Ҳатто жамғарманинг бутун фаолиятида унинг дастури ҳам ишлаб чиқилмади. Ёшлар томонидан таклиф этилган дастурлар эса «жамғармага дастурнинг кераги йўқ», деган жавоб билан рад этилди. Натижада жамғарма мамлакат ёшларига етакчилик қилиш, жуда бўлмаганда ёшлар ишларини мувофиқлаштириш қобилиятига эга ташкилот даражасига кўтарила олмади. У ёшлар ўртасида маънавият ва маърифат ишларини мувофиқлаштириш вазифасини ҳам бажара олмади.

Президентимиз «Камолот» жамғармасининг беш йилга яқин фаолиятини таҳлил этган ҳолда уни қуйидагича баҳолаган эди: «Жамғарманинг 57 киши ишлайдиган марказий идораси, вилоят, шаҳар, туман бўлимлари, жойларда, корхона ва олий ўқув юртларида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган шахобчалари бор. Уларнинг молиявий манбаи асосан жамғарма ихтиёридаги биноларни ижарага беришдан келадиган маблағлардан иборат. Дейлик, ана шу қуйи ташкилотлар бугун бирон-бир ёрдам сўраб келса, «Камолот»нинг марказий идораси уларга қандайдир амалий кўмак бера оладими? Афсуски, йўқ. Чунки жамғарма фаолияти, шуни ҳам тан олишимиз керак, ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ёшларни юксак мақсадларга даъват этиш, маънавий-маърифий тарбия ишлари бир четда қолиб кетган. Ўз вақтида бу ташкилот сиёсатдан ҳоли, яъни жамғарма сифатида тузилган эди. Бундан кўзланган мақсад — эски комсомол тизими, умрини ўтаб бўлган коммунистик мафкура асоратларидан ёшларни халос қилиш эди. Бироқ бу — жамғарма мамлакатимиздаги ижтимоий жараёнлардан, таълим-тарбия ишларидан, маънавий ҳаётдан, умуман, бугунги бошимиздан кечираётган муаммолардан бутунлай четда туради, дегани эмас-ку!»

Мустақиллик йилларида маънавий-маърифий соҳада амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ мамлакатимиз ёшлари ижтимоий жиҳатдан фаоллаша бошлади. Ёшлар ўртасида уларнинг номидан ва хоҳиш-иродаси асосида иш юритиб, ёшлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қиладиган, ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида ҳаракатга келтирадиган ташкилот сафларида бирлашиш истаклари туғилди. Ўтган асрнинг 90-йиллари охирларига келиб ёшлар ташаббуси билан мамлакатдаги ёшлар манфаатлари ва эҳтиёжларини қондириш мақсадларини кўзлаган янги ташкилот тузиш бўйича ташаббус гуруҳи ташкил этилди.

Ҳаракат ташаббускорлари биринчидан, ташкилий жараёнда ёшлар ўз салоҳиятини, табиий соғлом интилишларини рўёбга чиқаришида ташкилот қандай реал имкониятлар яратиб бера олишини, иккинчидан, ёшлар истиқлол ғояларига содиқ маслакдошлар бўлишлари учун нималар қилиш лозимлигини, учинчидан, табиий туғма етакчилик хусусиятига эга ташаббускор, билимдон, замонавий тафаккурга, яъни ўз тенгдошларини ўз ғояларига ишонтириб, уларни ортидан эргаштира оладиган ташкилотчи сардорларни топиш ва жой-жойига қўйишни, тўртинчидан, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириб, янги иш ўринлари топиб, ҳаётдан ўз ўринларини топишларига кўмак беришни, ижтимоий қўллаб-қувватлашни, ёт мафкуралардан, диний ақидапарастлик ва террорчилик, гиёҳвандликдан, шунингдек, ҳаракат Низомида давлат ташкилотлари тарафидан тегишли маблағ ҳамда ташкилий кўмак бериб турилиши, ёш оилаларга амалий ёрдам бериш, «Ёш оила» дастурини ишлаб чиқиб, унинг ижросини таъминлашни, олий маълумотли ёш мутахассисларнинг хизмат пиллапояларидан ўсишига ёрдам бериш ваколату имкониятлари айнан шу ижтимоий ҳаракатга берилиши инобатга олинди.

Президентимиз 2001 йил 24 январь куни Оқсаройда янги ташкилотни ташкил этиш бўйича Ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашди. Ёшлар масалаларига бағишланган ушбу йиғилишда ёшлар тарбиясига оид вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Мамлакатимиз раҳбари ушбу йиғилишда «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин» мавзусида нутқ сўзлади ва у ёшлар ҳаракатини ташкил этиш, ташкилотнинг мақсад-вазифаларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди. 2001 йил 25 апрель куни Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис Қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой ишида жойларда ёшлар томонидан сайланган 600 нафар делегат иштирок этди.Таъсис қурултойида ҳаракатнинг Дастури ва Низоми қабул қилинди. Ҳаракат Дастурида ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсад-вазифалари батафсил ёритилган бўлиб, у ташкилотнинг ёшлар тарбияси борасида сиёсий–ҳуқуқий, маънавий–маърифий, ижтимоий-иқтисодий, спорт ва жисмоний тарбия, халқаро фаолият соҳаларида амалга оширадиган асосий йўналишлари белгиланган бешта бобдан иборат эди. Ҳаракат Низоми ташкилот фаолиятини йўлга қўйиш бўйича асосий қоидалар белгиланган ўн бир боб, ўттиз саккизта бандни ўз ичига олганди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати — Ўзбекистон ёшларининг ихтиёрийлик асосида ташкил этиладиган, ўзини-ўзи бошқарадиган нодавлат нотижорат ташкилотидир.

Ҳаракат фаолиятининг асосий мақсади — ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат, деб белгиланди. Ҳаракатга унинг дастурий вазифа ва мақсадларини ҳамда Низом талабларини тан оладиган, уларни амалга ошириш йўлида фаол ҳаракат қиладиган, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш ва курашишни ўзи учун ҳаётий эътиқод деб биладиган, ўқишда, меҳнатда, ҳарбий хизматда, жамоатчилик ишларида бошқаларга ўрнак бўладиган, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қоида тариқасида, ўн тўрт ёшдан йигирма саккиз ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқаролари аъзо бўлиши мумкинлиги қайд этилди.

Мунирахон ҚОРИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

Ватанимизнинг мард ва жасур ўғлонлари бўлиб етишиш, миллий армиямиз сафида хизмат қилиш ҳар бир ёшнинг қалбидаги юксак орзудир. Ҳозирги пайтда бу соҳага қизиқиш янада ортиб бормоқда. Аскарлик кийими ўзига хўп ярашиб турган йигитларни кўрганда ҳаяжонга тўлиб, шундай кунларга етишни ният қилаётган ўспиринлар кўпаймоқда. Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафни ўзининг бахти деб билган бу ёшларнинг иқболи ҳам шунда. Улар мустақиллик фарзандлари. Истиқлол йилларида униб-ўсиб, камолга етган бахтиёр ёшлар. Юрт қадрини яхши билишади. Ўзбекистон дея аталмиш муқаддас заминнинг тинчлиги, осойишталиги учун хизмат қилишни ўзларининг чин фарзандлик бурчи деб биладилар.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ ЗАВҚИ ЎЗГАЧА

дейди аскарликдан қайтиб, Тошкент автомобиль йўллар институтининг 1-босқичида ўқиётган Шоҳруз ТУРСУНОВ

Пойтахтлик Шоҳруз Турсунов ҳам ана шундай ватанпарвар, элга содиқ, фидойи йигитларнинг бири. Энди йигирма ёшга кирган. Ўтган йилнинг май ойида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган.

— Аскарликнинг завқи ўзгача экан, — дейди у. — Армия мен учун тобланиш, чиниқиш, баркамоллик мактаби бўлди. Чегара қўшинлари сафида хизмат қилдим. Ҳозирги пайтда аскарларга яратилган қулай шарт-шароитларни кўриб, бир умр ҳарбий хизматда қолгинг келади. Ундаги тартиб-қоидалар, мустақил ҳаётга қўникиш, жанговар машғулотлар мард, жасур, эл-юртга фидойи инсонлар бўлиб етишишингга ёрдам беради. Ҳарбий хизматни ўташ чоғида кўп дўстлар орттирдим. Мамлакатимизнинг турли шаҳару қишлоқларидан келган ёшлар билан худди туғишган ака-укалардек қадрдон бўлиб кетдик. Олтинбой Абзетов раҳбарлигидаги Жавоҳир Пардаев, Баҳром Бугибоев сингари чегара пости хизматчиларининг бизга кўрсатган ғамхўрлиги, меҳру муҳаббатини ҳали ҳам унутганимиз йўқ. Уларнинг кўмаги ва жиддий эътиборлари билан жанговар, жисмоний тайёргарлик синовидан муваффақиятли ўтдик. Хизматдан яхши сабоқ ва таассуротлар билан қайтдик.

— Энди ҳақиқий ота ўғил бўлдинг, — дейди уни қучоқ очиб кутиб олган Насим ака. Онаси Зулфияхоннинг эса кўзлари қувончдан порлади. Шу бахтли лаҳзаларда улар якка-ю ёлғиз фарзандини шундай кунларга етказгани учун Яратганга минг бора шукроналар айлашди. Кейин эса бу оиланинг бир қувончига ўн қувонч қўшилди. Шоҳруз Тошкент автомобиль йўллар институтининг автомобилсозлик факультетига ўқишга кирди. Бунда ҳам албатта ҳарбий қисмдан олинган тавсифнома қўл келди. Ҳозир хизматдоши Асқар Бердиёров у билан бирга ўқимоқда. Яна бир сафдоши Файзулла Ибодов эса Тошкент давлат техника университетида таҳсил олаяпти.

Шоҳруз Турсунов бахтли оила фарзанди. Онаси Зулфия Эгамбердиева тажрибали ўқитувчи. Кўп йиллардан буён пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 126-умумтаълим ўрта мактабининг бошланғич синф ўқувчиларига устозлик қилиб келмоқда. Уларга илм сирларини пухта ўргатаяпти. Отаси — Насим Турсунов Ички ишлар вазирлиги ходими, милиция подполковниги. Бу оилада камол топган Шоҳруз спортни ўзининг энг яқин дўстига айлантирди. Бўш вақтларида моҳир тренер Фарҳод Агаевдан дзю-до сирларини ўрганиб, кучли курашчига айланди. Қатор мусобақаларда мамлакатимиз совринларини қўлга киритди. Ўтган йили спорт устаси бўлди. Ҳозир у Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий спорт клубининг дзю-до бўйича Ўзбекистон терма жамоаси сафида маҳоратини оширмоқда. Яқинда бўлиб ўтадиган мамлакат чемпионати мусобақаларига пухта тайёргарлик кўряпти.

Яхши фарзанд — оила бахти. Бугун Шоҳруз билан нафақат ота-онаси, балки маҳаллакўй, у таълим олган мактабларнинг жамоалари ҳам ҳақли равишда фахрланадилар. Бунга у ўзининг меҳнати, орзу-интилишлари билан эришди. Ёшлар йилида Шоҳруз янги орзу-умидлар билан яшамоқда. Чуқур билим олиб, етук мутахассис бўлиб етишиш билан биргаликда спорт оламида ҳам ўз ўрнига эга бўлишга интилаяпти. Ёш бўлса-да, юртимизни шуҳратга буркашдек вақтлиғ орзуларни кўзламоқда. Бу яхши ниятлар эса шубҳасиз ижобат бўлгай. Ахир, ёшларни Юртбошимиз қўлламоқда. Улар учун мамлакатимизда барча шароитлар муҳайё этилган.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.
Суратда: Шоҳруз онаси Зулфия опа билан.
Азамат АҲМАД олган сурат.

САҲҲОФНИНГ СЕҲРЛИ САНЪАТИ

Давоми. Боши 1-бетда

Жорий йилда Ислом университети олимлари ташаббуси билан таниқли хаттот Ҳабибулло Солиҳ томонидан Усмон Қуръонининг асл нусхасидан кўчирма олиниб, ҳар икки бети очилган ҳолатда 2 метру 40 сантиметр, қалинлиги 45 сантиметр, оғирлиги эса 42 килограммлик улкан "Қуръон" китоби нусхаси яратилиши ҳеч шубҳасиз, маънавий ҳаётимиздаги катта воқеалардан бири бўлди. Ана шу улкан китоб муқовасини ишлаш эса ота-бола саҳҳофлар — уста Сунатилла ва унинг ўғли Мирфозилга ишониб топширилди.

— Бу жуда оғир, масъулиятли иш эди, — дейди суҳбатдошимиз, — шунинг учун ҳам ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрдик. Жуда кўп тарихий китобларни, ноёб ёдгорликларни синчковлик билан кўриб, ўрганиб, ўзлаштиришимизга тўғри келди. Бу борада бизга Ислом университети олимлари яқиндан ёрдам беришди. Узоқ изланишлардан кейин Усмон Қуръони нусхасини қўллашга қарор қилдик. Бу ўта новик, машаққатли ишни салкам уч ой деганда ниҳоясига етказдик.

Ота-бола саҳҳофлар томонидан китоб ҳолига келтирилган, эчки ва кийик терисига битилган, 24 карат тилла ишлатилган Усмон Қуръони нусхасига республикамизнинг кўзга кўринган санъатшунослари, исломшунос олимлар, хорижлик мутахассислар юксак баҳо беришди. Бу улкан китоб Англиядаги Бутунжаҳон кўргазмасида қатнашиб, кўргазма залларини икки ярим ой давомида безаб турди ва ўз гўзаллиги, нафислиги, бетакрор безаклари-ю жилолари билан кўпларни ҳайратга солди. Бугун бу китоб Ислом университетининг ноёб манбалар хазинасида сақланмоқда.

— Айни кунларда нималар устида ишлаяпсизлар? — деб саволга тутамиз ёш, истеъдодли саҳҳофни.

— Ҳурматли хаттотимиз Ҳабибулла ака яна бизни ҳамкорликка чорладилар, — дейди Мирфозил, — у киши айтиб берган бир ҳикоянинг ўзи ҳалитдан бизга илҳом, ғайрат бағишлаб турибди...

— Қандай ҳикоя экан?

— Амир Темур бобомиз Шарқ мамлакатларининг бирига қилган юришларида бир уста хаттотга рўбарў келадилар. Хаттот буюк соҳибқиронга ёнғоқнинг янгигина арчилган кўк пўчоғи ичига Қуръони каримдан бир оятни ғоят усталик билан битиб, намойиш этади. Хаттотнинг маҳоратига қойил қолган Амир Темур: "Эсиз, шундай санъатингни чириб, йўқ бўлиб кетадиган нарсага битибсан-да", — дея афсусланган бўлади. Хаттот эса соҳибқиронга: "Менинг санъатим сиздек сиймони шунчалик қизиқтирган экан Қуръонни тарихда қоладиган бирор ашёга битиб, сизга тақдим қилганим бўлсин!", — дейди. Узоқ ишлаб, тер тўкиб, Қуръонни терига ёзиб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Амир Темур ҳузурига келтиради ва тортиқ қилади. Хаттотнинг бу ишидан беҳад мамнун бўлган соҳибқирон шу ернинг ўзида тоштарошларга тощдан шу китобга мўлжаллаб лавҳ ясашлари ҳақида фармон беради. Тоштарошлар бор маҳоратларини ишга солиб лавҳни ясайдилар. Амир Темур эса бу лавҳни янгигина битган Бибихоним мадрасаси саҳнига ўрнаттириб, устига ҳалиги Қуръон китобини қўйдиради. Айтишларича, Бибихоним мадраса тепасида туриб, бу улкан Қуръон нусхасини бемалол ўқиган, шунга қараб шогирдларига сабоқ берган... Хуллас, бу бўлиб ўтган воқеа, ўша китобнинг айрим саҳифалари ҳозиргача сақланиб қолган экан. Ҳабибулла ака шу ноёб хазинани қайтадан терига ёзиб тикламоқчилар. Бизга эса китоб муқовасини ишлаб берасизлар дейишди. Ҳозир шу катта, хайрли ишга тайёргарлик кўряпмиз...

Мирфозилдан келажакдаги орзуларини сўраймиз.

— Улуғ Истиқлол туфайли қадим қадриятларимиз, урф-одатларимиз қайтди, — дейди у. — Тарихий обидаларимиз тикланяпти. Халқ амалий санъатига, ҳунармандчиликка катта эътибор берилмоқда. Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан қайтадан таъмирланиб, бетакрор қиёфа касб этган, ҳозирнинг ўзида юртдошларимизнинг азиз, табаррук зиёратгоҳларидан бирига айланиб улгурган «Ҳазрати Имом» мажмуасидаги Бароқхон мадрасасидан бизга алоҳида хона ажратилиб, ишлашимиз, ижод қилишимиз учун барча шароитлар яратиб берилди. Бунга жавобан биз ҳам янада изланиб, муносиб ишлар қилсак, қадим, бугунда гуллаб-яшнаётган китобат санъатига, унинг ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшсак, дейман...

Биз ёш, иқтидорли саҳҳоф Мирфозил билан хайрлашар эканмиз: "Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин", — дея тилак билдирдик.

Ортиқали НОМОЗОВ.

Эзгуликка узалган қўллар

Кейинги пайтларда келажак ворислари — ёшларнинг ҳар томонлама соғлом, зукко ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароит, имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек: "...фарзандларимизга нафақат ишонч билдириш, балки уларга ўзини амалда намоён этиш учун майдонни кенгайтириш керак".

Ана шу шиор остида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси ходимлари қатъият ила тинмай меҳнат қилишмоқда. Фикримиз тасдиғи сифатида «Жиноятларнинг олдини олиш фаолияти» кафедраси кўмагида ушбу мутахассислик бўйича таълим олаётган тингловчиларнинг бевосита иштироки билан ўтаётган қатор тадбирлар тилга олинса арзийди. Улар Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйи болажонларига хушкайфият улашиш билан бирга ёш авлод онгига меҳру муҳаббат, оқибат, садоқат ва мардликни сингдиришга ҳисса қўшмоқдалар. Жумладан, яқинда академия ўқитувчилари ва тингловчилари Меҳрибонлик уйида экологик муҳитни яхшилаш мақсадида кўплаб игна-баргли кўчатлар ўтқазишди.

— Қиш кунларида ҳам яшил рангдаги бу кўчатлар билан атроф кўкаламзорлашиб кетди, — дейди Меҳрибонлик уйи директори М.Рўзиқулов. — Нуфузли идора вакилларининг кўнгли ўксик болаларга меҳр бериб, ўрнак бўлаётгани бизни жуда қувонтиради.

Бундай хайрли тадбирлар академия тингловчилари учун ҳам амалиёт мактабини ўтайди десак, муболаға бўлмас.

Куни кеча бўлиб ўтган байрам тадбирида болажонлар академияда чоп этилган китоблар билан тақдирландилар. Бу эзгу ишлар бошида ИИВ академияси бошлиғи, полковник, юридик фанлари номзоди А.Якубов ва «Жиноятларни олдини олиш фаолияти» кафедраси бошлиғи И.Исмоилов, ўқитувчи Н.Убайдуллазода ва М.Зиёдуллаевнинг улкан ҳиссаси бор.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг айниқса, музей, ўқув биноси, спорт мажмуаси, ҳарбий тайёргарлик хоналари билан танишганда, турли совға-саломлар олишганда севинчига севинч қўшилди.

— Ҳуқуқий адабиётлар орасида «Юридик энциклопедия», «Экология ва қонун» каби адабиётларни кўриб, қувондим, — дейди Нодир исмли йигит. — Негаки, Ички ишлар органлари ходимларига, ҳарбийларга менинг ҳаваcим баланд. Улар Ватаннинг равнақи, тинч ва осойишталиги йўлида заҳмат чекадиган жасоратли инсонлар. Уларга ўхшагим келади.

Юракда орзу, кўзда ҳавас ва иштиёқ билан боқаётган бу болакайларнинг ИИВ академияси ходимлари ва тингловчиларидек маслаҳатгўйлари бор экан, келажаги ёруғ бўлиши шубҳасиз.

Маҳбуба ШОМУРОД қизи.

Президентимизнинг "Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиз қизларининг ҳаётида катта ижтимоий ўзгаришлар ясади Зулфия номидаги давлат мукофоти таъсис этилганидан буён ҳозиргача 112 нафар қиз ушбу мукофотга сазовор бўлгани фикримиз далилидир.

НОМЗОДЛАР САРАЛАНМОҚДА

Мукофот тизимини янада такомиллаштириш юзасидан 2007 йилнинг бошида танловнинг мактаб, коллеж босқичлари ташкил этилди. Сўнг туман ва шаҳар босқичлари ўтказилди. Танловнинг вилоят босқичида жами 800 дан ортиқ қиз иштирок этиб, улардан 70 нафари республика босқичи танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди. Номзодларни танлашда ҳудудларда қайси йўналишдан мукофотга сазовор бўлинмагани, қайси туман ёки шаҳар эътибордан четда қолиб, фақат марказлардан совриндорлар чиққани ҳамда миллатлар турли хиллиги каби жиҳатларга жиддий эътибор қаратилди.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.
Азамат АҲМАД олган сурат.

Сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар

"Қўрғонтепадонмаҳсулотлари" корхонасида ишлаб чиқарилмоқда

Президентимизнинг 2007 йил 14 мартдаги "Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига кўра, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизими яратилгани айни муддао бўлди.

Хусусан, «Ўздонмаҳсулот» компанияси тизимида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Қўрғонтепадонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятида Украинанинг Подольск машинасозлик заводи билан корхонани модернизация қилиш бўйича қиймати 350 минг АҚШ долларига тенг бутловчи қисмлар етказиб бериш юзасидан шартнома тузилганди. Қисқа муддатда замонавий жиҳозлар олиб келиниб, монтаж ишлари амалга оширилди.

Олти юз нафар ишчи-хизматчилар фаолият юритаётган акциядорлик жамиятида тегирмон 1990 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, ҳозиргача қайта таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилмаган эди.

— Технологик қайта жиҳозлаш шарофати билан биргина электр энергия сарфи 15 фоизга қисқарди, — дейди акциядорлик жамияти раиси Абдуллажон Мирзабоев. — Ёқилғи мойлаш материаллари сарфи эса 10-12 фоизга камайди, шовқин пасайди. Валюта ҳисобига ҳар йили чет элдан олиб келинадиган эҳтиёт қисмлар учун сарфланадиган маблағ ҳам тежалди. Энг муҳими, олий навли ун ишлаб чиқариш имконияти туғилди. Бу ҳорижда тайёрланган шу каби маҳсулот билан бемалол рақобатлаша олади.

Фармон ва ижро

Акциядорлик жамиятида касаначиликни ривожлантириш борасида ҳам хайрли ишлар амалга оширилаётир. Ўтган йили 150 та касаначи учун иш ўрни яратилди. Улар муттасил фаолият юритишлари учун хомашё етказиб бериляпти. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш йўлга қўйилди. Уларга ўз вақтида маош тўланмоқда.

Шунингдек, жамоада қўшимча иш ўринлари яратиш борасида кейинги йилларда бир қанча ибратли ишлар амалга оширилди. Газли сув ишлаб чиқариш линияси ишга туширилгандан буён аҳолига 60 минг литр маъданли сув сотилди. Бир кечакундузда бир тонна макарон тайёрлаш имконияти мавжуд бўлган цех фаолият кўрсатяпти. Ўтган йили 350 тонна сифатли макарон маҳсулотлари тайёрланди. 150 тонна харидоргир печенье ишлаб чиқарилди.

Бугунги кунда юқорида санаб ўтилган цехларда 100 дан ортиқ киши иш билан таъминланди. Корхона раҳбарлари бундай хайрли ишларнинг ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олиб келгусида ҳам қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштиришяпти.

Корхонада ғаллакорлар учун уруғлик тайёрлашга ҳам катта эътибор билан қаралаётир. Ўтган йили туманлардан 65 минг тоннадан ортиқ дон қабул қилинди. Йигирма олти минг тоннага яқин уруғлик тайёрланган бўлса, шундан 20 минг 624 тоннаси турли вилоятларга етказиб берилди.

Нозу неъматларнинг энг улуғ, энг мўътабари нондир. Ўтган йилнинг иккинчи ярмида ишга туширилган кичик цехда шу кунгача 50 тонна нон аҳоли дастурхонига тортиқ этилди. Мақоламизни Президентимизнинг ўтган йили мамлакатимиз ғаллакорлари меҳнат ғалабаси шарафига йўллаган табригидаги ушбу жумла билан якунламоқчимиз: "Сиз азиз деҳқонларнинг пешона тери, азму шижоатингиз билан етиштирилган ғалла ҳосили ҳар қайси хонадонда тўқчилик белгиси бўлиб, эл-юрт дастурхонини тўлдириб, одамларнинг кўнглида эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлаши ва бутун халқимиз Аллоҳ берган бу бебаҳо неъмат учун шукрона келтириб, уни юксак қадрлаб, сизларнинг шаънингизга чуқур миннатдорчилик билдириши табиийдир".

Ўринбой КЕНЖАЕВ.

КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Мустақил юртимизда порлоқ келажак бунёдкорлари бўлмиш ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бериляпти. Истиқлол йилларида бир қатор академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ва болалар боғчалари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилаётгани ҳам фикримизнинг исботидир.

Замон талабларига жавоб берадиган, шинам ва ёруғ ўқув масканлари замонавий жиҳозлар ҳамда ўқув қуроллари билан таъминланиб, ўғил-қизларимизнинг чуқур билим олишлари, ўз касбининг моҳир усталари бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Айниқса, мактабгача таълим муассасаларида жажжи фарзандларимизнинг дуркун ўсиб-улғайишлари учун етарли эътибор қаратилмоқда. Юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бу борада талай хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Нукус шаҳри, Чимбой ва Мўйноқ туманларида капитал реконструкция қилинган болалар боғчаларининг бинолари бутунлай янгича қиёфа касб этди.

Ислоҳот ва самара

Беруний тумани халқ таълими бўлимига қарашли 18-мактабгача таълим муассасаси биноси ҳам капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. 140 нафар бола тарбияланаётган мазкур болалар боғчасидаги барча таъмирлаш ишлари «Берунийагроқурилиш» масъулияти чекланган жамият қурувчилари томонидан сифатли қилиб бажарилди.

— Бу ерда амалга оширилган 176 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари учун давлат бюджетидан 29 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, қолган маблағлар ҳомий ташкилотлар, саховатли тадбиркорлар томонидан берилди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Нурулла Рўзимов. — «Беруний ёғгар» акционерлик жамияти, «Райҳон» ҳиссадорлик жамияти, «Берунийтекстил» ўзбек-олмон қўшма корхонаси, туман пахта тозалаш заводи корхонаси, шунингдек, қатор фермер хўжаликлари катта ҳиммат кўрсатишди.

Бугунги кунда тумандаги 2 мингдан ортиқ жажжи ўғил-қизлар тарбияланаётган мавжуд 55 та мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнлари кўнгилдагидек. Зеро, ёруғ келажакнинг пойдевори бугундан қўйилса, натижалар ижобий бўлмоғи шубҳасиздир.

М. АЙТИМОВ.

ИНСОН МАНФААТИ ҲИМОЯЧИСИ

Мустақил давлатимиз эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бормоқда. 1992 йил қабул қилинган Конституциямиз ўз моҳиятига кўра жамиятдаги барча муносабатларнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берди. У ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳимоя этишда асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Уни ўрганиш ўз ҳуқуқимизни билиш, ўзгалар ҳуқуқини ҳурмат қилиш, жамият ва давлат олдидаги масъулиятни англаб етиш демакдир.

Бош Қомусимиз мазмунан демократик тамойилларга асосланганлиги ҳамда ихчамлиги билан бошқа мамлакатлар Конституциясидан ажралиб туради. Унда фуқароларнинг ҳуқуқий эркинлиги, мажбуриятлари ва манфаатлари ҳимояси бош ўринни эгаллади. Конституциямизнинг ҳаётдаги амалий ифодасини таҳлил этадиган бўлсак, мазкур қонуннинг нақадар мукаммал ишлаб чиқилганлигига амин бўламиз. Унинг асосий принципларидан тортиб, ҳар бир бандигача ҳаётимиз фаровонлиги учун асос бўла олади.

Асосий Қонунимиз бугунги кунда мамлакат қонунчилигининг ҳуқуқий негизини шакллантиришда бош манба бўлиб хизмат қилмоқда. Унинг ҳар бир моддасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурч ва мажбуриятлари мужассамлашган.

Қомусимизда фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ҳам кафолатланган. Конституциямизнинг «Сайлов тизими» деб номланган XXII боби, 117-моддасининг биринчи қисмида: «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади», — дейилади. 1994 йил 5 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда ҳам шу хусусда сўз боради.

Конституция тақдиримизда

Мамлакатимизда мавжуд қонунларга асосланиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъий назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадир. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди, сайлов тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилган талаблар бундан мустасно. Сайловчилар қаерда бўлишидан қатъий назар, уларга референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокиятнинг вакиллик органлари сайловларида бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланади.

Куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайловолди ташвиқотларини олиб боришдан иборат ҳуқуқлардан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш, шунингдек, ҳужжатларни сохталаштириш, овозларни атайин нотўғри санаш, референдум тўғрисидаги, Президент сайлови ҳақидаги, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги қонунларни бузиш Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бизнинг қомусимиз халқчиллиги билан дунё мамлакатлари Конституцияларидан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам «Конституция — инсон манфаати ҳимоячиси» деб бемалол айтиш мумкин.

Даврон КЕСИМОВ,
ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши раиси.

Самарқанд шаҳри кўп жиҳатлари билан оламга машҳур. У нафақат юртимиз тарихида, балки жаҳон тарихида ҳам улуғ алломалари, тарихий обидалари ҳамда мўйсафид ёши билан навқиронлик касб этиб келмоқда. Анжирининг шуҳрати, шўрданагу нўхотларининг таърифини айтмайсизми.

САМАРҚАНД НОНИ ХОРИЖЛИКЛАРНИ ҲАЙРАТГА СОЛМОҚДА

«Буларнинг ҳаммаси бир ён, Самарқанд нонларининг ўзи бир ён», — дейишади аксарият хорижлик меҳмонлар, худди қуёшдек нур таратиб турган нонларга ҳайрат билан боқишиб. «Наҳотки, инсон қўллари шундай мўъжизалар яратишга қодир бўлса? Самарқанд нонлари чиндан ҳам санъат асари, ҳам улуғ неъматнинг илоҳий кўринишидир».

«Самарқанд нонлари ҳақида ривоятлар кўп. Уларнинг барчаси ечимини тополмаган ҳайратлар, таажжублар билан тугаган. Дунёга машҳур, ривоятлару афсоналарга айланган Самарқанд нонларининг асл тандири қаерда? Оддий масаллиқлардан мўъжизалар яратаётган нонпазлар кимлар?». Бизга бу саволларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнини кузатиш мақсадида юртимизга келишган меҳмонлар беришди. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти вакиллари Катерина Идия Атпель, Жулиет Лёдорлар ҳам Самарқандда бўлишиб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, бозорларини томоша қилишди.

Улар ҳам бошқа хорижлик меҳмонлар каби оддий, шарқона тандирларда ёпилаётган нонлар сеҳридан ҳайратланишди. Ўзбекистондан энг қадрли совға сифатида Самарқанд нонларидан танлашди. Янги йил дастурхонига Галаосиё нонларидан қўйиб, оила аъзоларини, дўстларини хушнуд этиш ниятида эканликларини айтишди.

Меҳмонларнинг юқоридагига ўхшаш саволларига галаосиёлик уста нонвойлар камтарлик билан жавоб қайтаришди.

— Маҳалламиз аҳлининг асосий қисми қадим-қадимдан нонвойлик касби билан шуғулланиб келишган, — дейди Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Самарқанд нонлари» кўрик-танлови ғолиби Сурайё Ашурова. — Уларнинг санъати испаниялик, римлик, юнонистонликларни ва бошқа мамлакатлар элчиларини лол қолдирган. Хорижликлар юртларига қайтар чоғида энг азиз, бебаҳо совға сифатида маҳалламиз — Галаосиёда тайёрланган нонлардан олишган. Оиламизда ҳозир ҳам узоқ йиллардан буён яшаб келаётган эзгу аньана давом этиб келмоқда. Пўлоти, ширмойи нонлар, жиззали, гўштли, пиёзли, сариёғли, қўкатли патирлар ёпамиз. Галаосиё нонлари мўъжизасининг сири нимада, деган савол минг йиллардан буён нонвойлар сулоласи вакилларига берилади. Унга турли-туман жавоблар қайтарилган. Биз фақат маҳалламиз тегирмонида тортилган ундан, шу ернинг сувидан фойдаланамиз, шу замин тупроғидан ясалган тандиримизда нон ёпамиз. Ана шундай саволларга жавоб бераётганда табиатимиз бой, буларнинг барчаси тандирдан эндигина узилган қуёш парчасида — шаҳримиз нонларида мужассам, дейман. Яна бир нарсани таъкидлаб айтгим келади, нон улуғ неъмат, унинг мўъжизакорлиги, сиру синоатлари биздан эмас, Аллоҳдандир.

Меҳмонларни кузатаман. Улардан бири хўрсиниб қўйди. Унинг ҳолатидан «Афсус, бизнинг юртимизда бундай нонларни тайёрлашнинг иложи йўқ, эканда», деган мазмундаги армонни уқиш қийин эмас эди. Начора, бунга ўхшаш гаплар қадимда ҳам бўлган.

— Бу биз учун ўзига хос ютуқдир, ҳам неъмат, ҳам ризқдир, — гапида давом этади Сурайё Ашурова. — Нонингизни эъзозланг, ушоғини кўзга суртинг, у ҳеч кимга насиб этмаган, фақат сизга инъом этилган илоҳий иноятдир, дегим келади маҳалладошларимга.

Суҳбатдошим ва унинг маҳалладошлари — уста нонвойлар сулоласи вакиллари билан хайрлашар эканман, насибангиз бутун бўлсин, дегим келди.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Адабий учрашув

Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда ЎзМТДП Марказий кенгаши ҳамкорлигида адабиётшунос олим, ёзувчи ва таржимон Иброҳим Ғафуров ижодига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Унда таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, партия фаоллари ҳамда олийгоҳнинг ўзбек филологияси, хорижий филология факультетлари ўқитувчи ва талабалари иштирок этдилар.

ТЕРАН НИГОҲЛИ ИЖОДКОР

Тадбирни ЎзМУ ректори Ғофуржон Муҳамедов очди ва Иброҳим Ғафуровнинг таржимонлик маҳорати ҳақида гапирди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов сўзга чиқиб, олимнинг ўзбек таржимачилик мактабидаги ўрни беқиёс эканлигини таъкидлади.

— Иброҳимжон билан бир мактабда, бир олийгоҳда таҳсил олганмиз, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов. — Талабалик йилларидаёқ ижодининг кўп томонлама ўзига хослиги сезилиб турарди. У йиллар ўтган сари сайқалланиб, асарларида яққол ифодасини топди. Иброҳимжоннинг оиласини таъбир жоиз бўлса, мўъжаз ёзувчилар уюшмаси дейиш мумкин. Унинг ижодий камолотга эришувида умр йўлдоши Ойдинхоннинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ҳам И. Ғафуровнинг таржимонлик, танқидчиликдаги ижоди, унинг дунёни ёзувчи, шоирнинг теран нигоҳи билан кузата билиши ва бу асосдаги кўнгил кечинмаларини қоғозга тушириб боришга одатланганлиги, «Ҳаё — халоскор» китоби ҳам шунинг маҳсули эканлигига тўхталди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, адабиётшунос олим Умарали Норматов, халқ шоири Маҳмуд Тоиров, шоира Шарифа Салимова ва олимнинг бир қатор дўстлари, шогирдлари, ҳам сўзга чиқишди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳамедов И. Ғафуровнинг зиёлилар партиясининг ташкил топиш, шаклланиш жараёнидаги муносиб хизматлари ҳақида сўзлаб, партиядошлар номидан қутлади.

Академик Бахтиёр Назаров эса рус ёзувчиси Ф. Достоевскийнинг «Дунёни гўзаллик қутқаради» деган машҳур жумласини эслаб, адибнинг янги қитобига танлаган «Ҳаё — халоскор» номи бугунги глобаллашув даврида кундан-кунга ўзгариб бораётган дунё аҳли учун нақадар аҳамиятли эканини таъкидлади. Шоир Муҳаммад Исмоил яқиндагина нашрдан чиққан, замондошларининг олим шахси, ижоди ҳақидаги фикрлари жамланган «Ҳаёт — хаёл — хиёбон» китоби чоп этилгани ва адиб таржимасидаги Э. Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз» асари янги имлода қайта нашр қилинганлигини айтди.

ЎзМУ хорижий филология факультети декани Абдумурод Маматов домланинг ёшларга таржима назариясидан сабоқ бераётгани ҳақида гапирди. Устоз ҳамиша шундай ғайрату шижоат, талабчанлик билан ёшларга сабоқ беришдан чарчамаслигини тилади.

Зумрад ВАҲОБОВА,
«Миллий тикланиш» мухбири.
Азамат АҲМАД олган сурат.

РАҒБАТДАН РУҲЛАНИБ

Агар мамлакатимиз аҳолисининг таркибий қисмига эътибор берадиган бўлсак, унинг 64 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Шубҳасиз, бунда юртимиз тараққиётини белгилаш, иқтисодиётни ривожлантириш, эл тинчлигини таъминлаш ва диёримиз ободончилиги йўлидаги жонкуярлик масъулияти ҳам айнан уларнинг зиммасига тушади.

Пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида Асосий қонунимиз – Конституция қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан ўтказилган байрам тантанасига бағишланган кечада Президентимиз 2008 йилни "Ёшлар йили" деб эълон қилганлиги ҳам бежиз эмас.

Тадбир

Дарвоқе, ёшларнинг шижоати ҳар жабҳада намоён бўлаётир. Улар эришган ва эришаётган ютуқлари билан юртимиз довруғини жаҳонга ёймоқда. Айниқса, уларнинг илму фанда, спортда, саноат ва ишлаб чиқаришда, қишлоқ хўжалигини юксалтиришда, санъатимиз довруғини таратишда, мамлакатимиз мудофаа қудратини янада оширишда кўрсатаётган жонбозлиги яққол кўзга ташланмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши биносида Ватанимизнинг энг илғор, ташаббускор, қобилиятлари билан сафдошлари орасида ажралиб турган бир қатор фидойиларга "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони топширилди. Бу йил бундай юксак мукофотга республикамизда меҳнат ва ижод қилаётган 38 нафар ёш мушарраф бўлди.

— Ростини айтсам, — дейди "Туркистон" газетаси мухбири Тошпўлат Холиқов, — бундай рағбатни кутмаган эдим. Модомики, мен каби оддий бир ёш журналистга шунчалик катта эътибор берилаётган экан, бу Юртбошимизнинг келажак авлод учун қайғураётганликларини билдиради. Демак, зиммамиздаги масъулият янада ортади. Таҳлилий чиқишларим орқали фидойиликни, меҳнатсеварлик фазилатларини тарғиб қилиб бораман. Шунингдек, Ватанимиз обрўйини, шон-шуҳратини ошириш учун сидқидилдан хизмат этишга доимо шай тураман!

М. ҒАФУРОВ.

Кучли рақобат шароитида инвестицион фаолият тижорат банкларининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. У молия муассасаларининг даромадлилигини таъминлашга хизмат қилади. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида тижорат банкларининг инвестицион сиёсати банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Қолаверса, банкларнинг ликвидлигини таъминлашда қўл келади.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ДАРОМАД МАНБАИ

Узоқ муддатли қимматли қоғозлар катта даромад келтиради. Шунинг учун банклар уларни муддати тугагунга қадар сақлашади. Ўз ликвидлигини таъминлаш мақсадида банклар унча катта бўлмаган суммани бошқа қимматли қоғозларга, масалан, банк актсептлари, қимматли қоғозлар бозоридаги тижорат қоғозлари, брокерлик ссудалари ва товар кредит корпорациялари сертификатларига қўйишади. Даромадлиликни таъминлаш мақсадида эса ўз маблағларини баъзи бир ҳукумат муассасалари облигациялари ва корпорацияларнинг биринчи даражали облигацияларига инвестиция қилишади.

Алоҳида олинган қимматли қоғозлар турлари ва гуруҳларининг даромадлилиги банклар инвестиция портфелининг бозор баҳосига боғлиқ бўлади. Одатда, қимматли қоғозларнинг бозор нархи ва ундан тижорат банклари оладиган даромад тескари мутаносиблиқдадир. Қимматли қоғозларнинг баҳоси паст бўлганда улардан олинадиган даромад юқори ёки аксинча бўлиши мумкин.

Қимматли қоғозларнинг амал қилиш муддати қанчалик қисқа бўлса, унинг баҳоси ҳам шунчалик барқарор бўлади. Лекин унинг муддати қанча узоқ бўлса, фоиз ставкалари даражасининг ўзгариши шунчалик тебранишлар таъсирига учрайди.

Банкларнинг қимматли қоғозларни сотиб олиши нафақат уларга даромад келтиради, балки захирани ҳам тўлдиради. У мавжуд маблағни йўқотишсиз амалга оширилади. Эътиборли томони шундаки, қисқа вақт ичида банклар қимматли қоғозларни нақд пулга айлантириш имконига ҳам эга бўлишади.

Шерзод МАРДОНОВ,
Тошкент молия институти катта ўқитувчиси.
Умид ПУЛАТОВ,
талаба.

● Ўзбекойим ўгитлари

ҚЎШНИНГГА ҚЎШ КЎРПА СОЛ

Халқимизнинг гўзал анъаналари бисёр. Қуни-қўшничилик ана шундай асрлар оша сайқал топиб келаётган бебаҳо қадриятлардан биридир.

"Ҳовли олма — қўшни ол", "Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшнинг яхши", "Қўшнинг тинч — қўрғонинг тинч". Ушбу мақоллар замирида ортиқча лоф, бўрттириб кўрсатиш йўқ. Аммо қўшнилар орасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ишонч кўприкларини янада мустаҳкамловчи шундай нозик ришталар ҳам борки...

Аям кир совунни кўплаб олиб кўярдилар.

— Вой, бўй бунча совунни нима қиламиз? — десам.

— Оз олсак, тез тугайди, баракаси ҳам бўлмайди. Кейин ҳамсоядан совун сўраб чиқамизми? Отангнинг топиш-тутишини ҳамма билади. Сўнг гапнинг бари менга тегади. Ҳамсоялар эшонойим эпсиз экан, деб устимдан кулишсинми? Ундан кўра, дўконда борида ғамлаб олганим яхши, — дердилар-да, қадоқланган атирсовун, чой, туз, гугуртгача олиб кўярдилар. Қўшниларникига бирор нарса сўраб чиққанимизни сира эслолмайман.

Оила қуриб билдимки, бировнинг эшигига унибуни сўраб чиққан одам ҳаммага ҳам хуш келавермас экан. Сиртига чиқармаса-да, ичида оғринади. Бундан ҳам ёмони, сўраб чиққанингда, қўлингга мана, деб тутқазса яхши, агар у кишида ҳам бўлмаса, хижолат чекасан. Шунинг учун обрўйинг борида уни сақлашни ўрган. Ори борнинг обрўйи бор, дейдилар.

Оқила қизим, яхшиси сен бировнинг эшигига илтимос билан боришдан аввал "Ўзингда йўқ, оламда йўқ", деган гапни бир бор қўнглингдан ўтказ-да, борини эплаб тур. Мабодо сўраб борганинг қўшнингда бўлмаса-чи, сен ҳам, у ҳам хижолатда қоласизлар. Ҳамма нарсанинг салбий томонларини ўйлайсиз, деб тағин мендан ранжимагин. Мен сенга бу гапларни бошимдан ўтказганим ва тажрибамда синаганим учун айтаяпман. Дейлик, сенинг қўшнинг солиҳа ва ақлли аёл бўлсин, бировнинг ортидан кулмоқни куфр деб билсин. Неники сўраб борма, олдингга муҳайё қилиб, марҳамат деб турсин. Аммо шунда ҳам уни безовта қилишинг, олган нарсангни бирдамас-бирда кеч қайтаришинг бор. Шундай ҳолатларда қўшнингга нисбатан инсофсизлик қилган бўласан.

Жоним қизим, мабодо, жуда заруриятдан қўшнингдан бирор буюм олиб туришга мажбур бўлсанг, бу энди сен учун омонатдир. Омонатга олинган нарсани ўзингникидан кўра ҳам эҳтиётлаб сақламоғинг шарт. Йўқолган пичоқнинг сопи олтиндан, дейишади. Яхшиси сен борини эплаб, йўғига сабр қилиб яша. Борига кўникмоқ, йўғини эса билдирмаслик бу энди ақлли, тадбиркор одамларнинг ишидир.

Ҳеч нарсага зориқмасликнинг оддийгина бир шарти бор. Қўлингга пул тушганда, биринчи навбатда оиланг учун энг зарур нарсаларни харид қилиб қўй. Ақлли бека шундай йўл тутади. Рўзғордан орттиролсанг, кейин майли орзу-ҳавасга ишлатсанг ярашади. Қимматбаҳо кийим кийиб, ясаниб олган аёл қўшнисидан элак сўраб турса, қанчалар кўзга хунук кўринади. Қадимда ота-оналаримиз ёш оила бировга зориқмасин деб қизларнинг сепига рўзғор учун энг зарур бўлган идиш-товоқ, косапиёла, ҳатто ип-игнагача солиб қўйганлар. Қайнона бўлса, тўйнинг эртасидаёқ келинининг қўлига қўшқўллаб, тахта-ўқловини бу энди сизники, деб тутқазган. Эпли келин, энг аввало, ана шу нарсаларини асраб-авайлаб тутган. Бирини эскиртса, ё синдириб қўйса, ўрнига янгисини олиб бутлаб қўяди. Бироқ зинҳор қўшниникига косатовоқ сўраб чиқмайди. Буни ўзига ор деб билади.

Шукр, бугун тўкин, фаровон замонда яшамоқдамиз. Ҳар маҳалланинг ўз дўкони, бозорлари бор. Бозорларимизда эса ҳамма нарса муҳайё. Бирор буюм ёки озиқ-овқат керак бўлса, дўконма-дўкон қидириб, топилганда ҳам узоқ навбатларда туриб оладиган замонлар ўтиб кетди. Энди фақат мана шундай чиройли, фаровон ва тўкин ҳаётга муносиб бўлмоқ керак.

Аммо қўшнилардан бири заруратдан эшигингга илтимос билан нарса сўраб чиқса, унга асло ёмон кўз билан қарама. Буни ҳаёт дейдилар. Бурунгилардан қолган бир гап бор. "Минг қўйликнинг иши бир қўйликка тушибди". Қўшнингнинг иши сенга тушиб турганда, дарров ёрдамга ошиқ. Сўраганини очиқ чеҳра билан қўлига тутқаз. Бошқа бир ёрдаминг зарур бўлса, "бош устига" де-да, хизматига шай тур. Бундай пайтларда қўшнингнинг кўнглини ол. Яхшилигингни, ғамхўрлигингни кўрсат. Қўшнинг келса, қўш кўрпа сол, меҳмонингдан кам иззатлама, дейди доно халқимиз. Бу ҳикматга амал қилсанг, кам бўлмайсан.

Қизгинам, билгинки, бир қўшнининг мақтови, ўн қўшиннинг мақтовидан аълодир. Одамлар сенинг кимлигингни қўшнингдан сўраб билади. Унинг гапига қараб баҳо берадилар. Қўшнисига торлик қилган киши элга кенглик қилолмайди. Шунинг учун, яхшилик қилишни, яхши бўлишни қўшнингдан бошла. Атрофингдагилар орасида баҳойинг қанчалар ошиб борса, эл олдида ҳам қадринг шунчалар баланд бўлади.

Ҳидоят ОЛИМОВА ёзиб олди.

Бахтиёр Темур табиатан сокин, юмшоқ, камтар, хушфеъл, аммо қалби жўшқин инсон. Буни унинг бадиий ижод билан машғул бўлганлигидан ҳам билса бўлади. У ҳаёт, эл-юрт истиқболи ва келажаги ҳақида тинмай шеърлар машқ қилади.

Қуйида унинг айрим ижод намуналарини ҳукмингизга ҳавола этишни лозим топдик.

ТАҲРИРИЯТ.

ТИЛАК

Кифтингда оппоқ қор – жозибадорсан,
Оқликка йўғрилган чин дўсту ёрсан...
Биродар, яхшиям дунёда борсан –
Эй тоғим, янги йил муборак бўлсин!

Қоялар бағридан келган жимирлаб,
Эрк қушиғин айтган сокин бидирлаб...
Зилол сувларидан тўйиб симир, лаб –
Булоғим, янги йил муборак бўлсин!

Боқиб бу дунёга кўп аймоқ кўрдим,
Соф кўнгил тубини қордек оқ кўрдим.
Сен-ла дийдор меҳрин кенг қучоқ кўрдим,
Оппоғим, янги йил муборак бўлсин!

СЕН КЎКСИМГА ҚУЙИЛГАН НУРСАН...

Илҳом лаҳзалари

НИЯТ

Уззу-кун йўлингда турсам гул тутиб,
Гулдай очилишинг бир умр кутиб.

Сен бор давраларда куйласам, жўшсам,
Нозиктаъб дилингга минг шодлик қўшсам.

Нафас олиб юрсам доим ёнингда,
Ўйноқ ҳислар солгил қайноқ қонимга!

Ахир, сен кўксимга қуйилган нурсан,
То маҳшар сен юрган йўлларда юрсам!..

ЎЙ

Ҳайрон боқиб тургим гоҳ дунё корига,
Қаноат қилмас одам нечун борига?

Борида кунпаякун қилмоққа шошар,
Йўғида қақраб қолган ўзандай яшар.

Кўлин чўзганга гоҳо эътибор қилмас,
Гоҳо чўкаётганга хас ҳам топилмас.

Таажжублар қилгайдирман бу каж ўйинга,
Сира етолмадим мен ўйлаб ўйимга...

ЮРАР ЭРДИМ БЕҒАРВО

Бепарволиғ юрар эрдим,
тушиб ишқим суяр бўлдим,
Кўзи шамсу юзи ойнинг
овозидан куяр бўлдим.
Завқу шавққа тўлдим, эслаб
йўлим бурдим боғу-роққа,
У деб кўрку беҳиштдан ҳам
нигоҳимни тияр бўлдим.
Жоно дебон ўзим ҳар ён
уриб кўйга тушдим гирён,
Жисму руҳим бўлса-да зор
ўшал гулни аяр бўлдим.
Севибди Қайс ила Фарҳод,
севилмиш Лайлию Ширин,
Ки ишқни куйлаган шоир
пойига гул кўяр бўлдим.

Хаёли чанқатар бадтар
ва ҳажри айлагай беҳуш,
Васлига қонмасам бўлмас,
бу кун жондин тўяр бўлдим.
Ойдин юзи ҳилолдек нур –
гўё пари авлодидан,
Анинг хаёли-ла мен оқ
варақларни бўяр бўлдим.

ИЛТИЖО

Толеимни ишқидай дардлик бергил,
Чин рақобат этгали мардлик бергил.

Ошиқлар оҳи учун ҳад бормикин?
Суйганлар жуфтлигини бахтлик бергил.

Роз айтолмай ёримга шошур тилим,
Бир баҳона топгунча вақтлик бергил.

Кўкда ой тўлган куни ёр висоли
Жилва қилиб, келмади – шаҳдлик бергил.

Моҳданам ишқи маҳви дилимдир, оҳ,
Унга кўнглим янглиғ дил нақдлик бергил.

Бахтим қуши кафтимга қўнса, не тонг,
Асло қўйвормагайман, аҳдлик бергил.

Бахтиёр ТЕМУР.

Қиш манзаралари

Азамат АҲМАД олган сурат.

Ён дафтардан

Қуш уясида кўрганини қилади

Ота-оналар кўпинча ўз фарзандларини ростгўй қилиб тарбиялаш йўлини қидириб юради. Лекин уларнинг овора бўлиб юришларига ҳеч ҳожат йўқ. Чунки бундай йўл бор ва у жуда қулай. Бу ота-оналарнинг ўзлари ростгўй бўлишидир. Доноларимиз "Қуш уясида кўрганини қилади", деган хулосага бежиз келишмаганку, ахир.

Муҳаббат

Онанинг ўз фарзандига бўлган муҳаббатини ҳеч нарсага қиёслаб бўлмаслиги бундай муҳаббат ҳақиқатда беқиёс эканлигининг исботидир.

Тоза ва лойқа сув

Бир тоифа одамлар ариқдаги лойқа сувни атайин тозалаб, тиндириб ичадилар, иккинчи тоифа одамлар эса булоқдаги тоза сувни атайин лойқалатиб ариқларга оқизадилар — экинларини қондириб суғориш учун...

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани томонидан Касимов Джамшид Рузибаевич номига 13.11.07да берилган 10100102010048 кадастр рақамли ТА № 0114582 гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди, яъни фольклорини поёни йўқ уммонга қиёслаш мумкин. Уни ўрганганимиз сари янги-янги қирралари намоён бўлиб бораверади. Алла ҳам эзгу фазилатлар хазинасидир, назаримда.

КЎНГИЛГА ЯҚИН ҚЎШИҚ

Негадир уни кўнгилга яқин қўшиқ дегим келаверади. Эшитганингиз сари дилингиз ором топади, аллақандай хотиржамликни сезасиз, бир зумга бўлсада, ҳаёт ташвишларини унутасиз. Унинг ҳар бир сўзида меҳр-муҳаббат, орзу ва умидлар, яхши ниятлару эзгу тилаклар мужассам. Шунинг учун бўлса керак, оналар фарзандларига гўдаклигида алла айтишади. Онанинг берилиб айтган алласи чақалоққа ором бағишлайди, унинг ёш юраги хотиржам тортади.

Ривоят қилишларича, қадимда бир мамлакат қўшини ёвга енгилмаслиги билан машҳур бўлган экан. Бу давлат лашкарларининг жангда доимо қўли баланд келиши сирини ҳеч ким билмас экан. Қўшни юртнинг шоҳи бунинг бирор сири бўлиши керак, деган хаёлда уламоларни чақирибди ва маслаҳатлашиб бир донишмандни шу ўлкага жўнатибди. Донишманд узоқ қузатувлардан кейин сирни очишга муваффақ бўлибди. Маълум бўлишича, бу мамлакатда ғалати бир анъана бор экан. Ҳукмдорнинг буйруғи билан қайси бир оилада ўғил бола туғилса, у дарҳол онасидан ажратиб олинар, энага тарбиясига топширилар экан. Энагалар эса гўдакларга алла айтишмас экан. Натижада болалар урушқоқ, тошбағир, ҳар қандай ёвузликдан қайтмайдиган бўлиб улғаяр экан. Қиссадан ҳисса шуки, меҳр

Қадрият

деган туйғу болаликда кўнгилда уйғонади. Бемеҳрлик ҳам болаликда пайдо бўлади. Демак, фарзанднинг келажаги унга гўдаклигида берилган тарбияга боғлиқ. Алла эса гўдакнинг кўнглига ёруғлик, эзгулик ҳисларини олиб киради. Унда фикрлаш деган нозик туйғу шаклланаётган жараёнда қалбига инсоний туйғуларни солади. Келгусида эса бола сезгир, оқил, самимий, энг муҳими, меҳрли бўлиб етишади. Алланинг бир маромдаги майин оҳанги ёш юракка она тилининг ширинлигини, миллийлик руҳини ҳам сингдириб боради.

Шарқнинг буюк ҳакими, тиббиёт соҳасининг улуғ алломаси Абу Али ибн Сино шундай деган экан: «Гўдак танасидаги аъзоларни мустаҳкамлашда фойдали зарур нарсалар — уни аста тебратиш ҳамда аллалаб айтиладиган куй ва қўшиқлардир! Биринчиси баданга, иккинчиси руҳга тегишли». Демак, алла нафақат маънавий ва тарбиявий жиҳатдан зарур, балки боланинг жисмонан бақувват ва руҳан соғлом бўлиб етишишида ҳам муҳим аҳамият касб этар экан. Япон олимларининг бу борадаги тадқиқотлари ҳам қизиқ. Улар болани она қорнидалигидаёқ тарбиялаш зарурлигини исботлаб беришган. Онанинг сокин ёки шовқин-сурон муҳитда бўлиши ҳам ҳомиланинг асаб ҳужайраларига таъсир ўтказар экан.

Алла ўзининг тинчлантирувчи, ухлатувчи вазифаларидан ташқари ниҳоятда катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Буни болаларга қўшилиб алла тинглаганимизда ҳам дилдан ҳис қиламиз. Ҳеч шундай ҳолатга тушганмисиз?-Назаримда, алла ҳамма ёшдаги одамлар учун ҳам кўнгилни тинчлантирувчи сокин қўшиқдир. Шу ўринда кейинги пайтда бу қадим қўшиқни куйлайдиган оналар камнамо бўлиб қолганлигини ҳам эсга олмай илож йўқ. Айниқса, бу гап ёш оналарга тегишли. Менинг онасининг оғушида, бешикда хотиржам ётган, алла эшитиб уйқуга кетган гўдакларга ҳавасим келаверади.

Гулноза АБДУСАТТОРОВА, ЎзМУ журналистика факультети талабаси.

Янги йил қаерда қандай нишонланади?

Дунё халқлари одатлари

Хитойда байрам 17 январдан 19 февралгача — янги ой чиққанда нишонланади. Тантананинг энг қизиқарли қисми кўчаларда намоён бўлади. Минглаб қўл чироқлари Янги йил йўлини ёритиш учун ёқилади. Хитойликлар Янги йил ёвуз руҳлар билан ўралган, деб ҳисоблашади. Шунинг учун уларни қарсилдоқлар билан қўркитишади. Баъзида хитойликлар ёвуз руҳларни уйга киритмаслик учун дераза ва эшикларни қоғоз билан елимлайдилар.

Вьетнамда 21 январь ва 19 февраль оралиғида кутиб олинадиган Янги йилни "тэт" деб аташади. Байрамнинг аниқ санаси йилдан-йилга ўзгариб туради. Вьетнамликлар ҳар бир уйда Худо яшайди ва у Янги йилда Арши аълога йўл олиб, оиланинг ҳар бир аъзоси эски йилни қандай ўтказгани ҳақида сўзлаб беради, деб ҳисоблайди.

Эронда 21 мартда Янги йилни кутиб оладилар. Байрамга бир неча ҳафта қолганда, одамлар кичкина идишга буғдой ёки арпа уруғини экади. Янги йилгача уруғ униб, бўй чўзади, у ҳаётнинг янги йили ва баҳор бошланишининг рамзи ҳисобланади.

Бирмага 12 ва 17 апрель кунлари Янги йил кириб келади. Аниқ байрам куни ҳақида Маданият ишлари вазирлигининг махсус қарорида маълум қилинади, тантаналар уч кун давом этади.

Қадимги бирмаликларнинг диний эътиқодига кўра, ёмғир худолари юлдузларда яшар эмиш. Гоҳо улар бир-бирлари билан ўйнаш мақсадида осмон гумбази атрофида тўпланишаркан. Шунда ҳосилдорлик ва тўкин-сочинлик ваъда қилувчи ёмғир ёғаркан. Юлдузли руҳларни имо-ишора билан чақириб олиш ниятида бирма халқи арқон тортиш мусобақасини ўйлаб топган экан. Унда асосан икки қишлоқ (шаҳарда эса кўчалар) эркаклари қатнашишади. Аёллар ва болалар эса ёмғирнинг дангаса руҳларини ҳайдаш учун бу вақтда бақирчақир қилишлари, бўш банкаларни синдиришлари керак бўлади.

Австрияда. Янги йил билан табриклаш ва совға бериш XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида кенг тарқалган. Эндиликда турли тасвирлар ёки анъанавий бахт рамзи бўлмиш тўрт баргли гуллар акс этган откриткалар совға қилиш одат тусига айланган. Шунингдек, 31 декабрдаги кечки дастурхон тўкин бўлиши шарт, бу Янги йилда яхши ҳаёт кечиришни белгилайди. Таомномада албатта, чўчқа боласи ёки унинг гўштидан тайёрланган овқат бўлиши айни муддао. Веналиклар бахтли бўлиш учун эса чўчқа калласининг бир бўлаги ёки унинг тумшуғини истеъмол қилиш зарур деб ўйлашади. Янги йил арафасида Вена шаҳри майдонлари, марказларида катта байрам бозорлари уюштирилади. У ердан ҳамма нарса — қўл меҳнати ҳисобланган кийим-кечаклардан тортиб, машҳур дизайнерларнинг турли ишлари, арча ўйинчоқларини харид қилиш мумкин.

Болгарияда анъанавий тарзда Янги йилни уйда кутиб олишади. Байрам бошланиши арафасида оиланинг кенжатойи арча ёнида туриб меҳмонларга эзгу тилаклар билдирилган қўшиқлар куйлайди. Хурсанд бўлган қариндош-уруғ ва меҳмонлар унга совғалар беришади. Энг қизиғи, соат 24 га занг ургандан кейин бошланади. Бу вақтда уйлардаги чироқлар янги йил бўсалари учун бир неча дақиқага ўчирилади. Фақат шундан сўнггина уй бекаси кутилмаган совғалар солиб пиширилган пирогни кеса бошлайди. Агар кимга танга чиқса — бойлик, гул шоҳи — севги. Худди шундай кутилмаган совғалар солинган пирог пишириш анъанаси Руминияда ҳам кенг тарқалган.

Бразилиянинг Рио-де-Женейро аҳолиси Янги йил кечаси океанга чиқишади ва денгиз маъбудаси Йеманжега совғалар олиб боришади. Одамларнинг барчаси киядиган анъанавий оқ кийимлар Йеманжедан тинчлик сўраб қилинган илтимосларнинг рамзини ифодалайди. Денгиз маъбудасига қачонлардир Бразилияга кемаларда қулликка келтирилган африкаликларнинг авлодлари сиғинишган. Ҳозир ушбу маъбудага сиғиниш Бразилия маданиятининг бир қисмига айланган.

Венгрияда Янги йилнинг илк кунларида хуштак чалишни афзал кўришади. Бунда болалар сурнайи каби ўйинчоқлардан фойдаланадилар. Бу хонадонлардан ёвуз руҳларни ҳайдаб, хурсандчилик, фаровонлик чақиради, деб ҳисобланади. Венгерлар байрамга тайёрланаркан, Янги йил таомларининг мўъжизавий кучига эътибор берадилар. Масалан, ловия ва нўхат — руҳ ва тана кучини сақлайди, олмалар — гўзаллик ва севгини ифодаласа, ёнғоқлар кулфатдан ҳимоя қилишга қодир, саримсоқ — касалликлардан ҳимоячи, асал эса ҳаётни ширин қилади.

Грецияда Янги йил — авлиё Василий куни ҳисобланади. Бу авлиё ўзининг одамларга меҳр-муҳаббати билан машҳур. Шунинг учун болалар ўз оёқ кийимларини ўчоқ олдида қолдиради. Сабаби, авлиё Василий бу пойабзалларни совғага тўлдириб қўяр экан.

Ҳиндистонда Янги йил ёнаётган ёй билан варракни нишонга уришдан бошланади. Ҳиндлар қаерда истиқомат қилишларига қараб Янги йилни турлича кутиб оладилар. Улар Янги йилда асосан маъбуда Лакшмининг бойлиги ҳақида ўйлайдилар.

Испанияда шаҳар черкови олдига Янги йил арафасида кўплаб одамлар йиғилади. Улар ўтаётган йил воқеаларини эслаб, маърузалар сўзлайди. Бундай нутқлар жуда узоқ давом этади. Маърузачилардан бири эшак ҳақида эслаши билан нутқлар тўхтатилади. Шунингдек, шаҳар соатлари ярим тунга занг урганда, барча таниш ва нотаниш одамлар бир-бирларини табриклаб, сиҳат-саломатлик, муваффақият тилайдилар, совғалар алмашадилар.

Италияда соат миллари ўн икки марта занг уриши билан дераза табақалари ланг очилиб, эски стул, кресло, тумбочка каби мебеллар кўчага улоқтирилади. Италия вилоятларида қадимдан яна шундай урф-одат мавжуд: 1 январь куни тонг саҳарлаб булоқ суви олиб келиш керак. Қуёш чиққунча олиб келинган бу сув бахт келтиради, деб ҳисобланади.

Кубаликлар уйлардаги барча идишларга сув тўлдиришади. Ярим тундан сўнг эса бу сувларни деразадан тўкишади. Озодлик ороли аҳолиси шундай йўл билан Янги йилга сувдай тоза ва ёруғ йўл тилашади. Соат миллари тунги 12 га занг ураётганда 12 дона узум ейиш керак. Шунда 12 ой давомида бахт албатта, ҳамроҳ бўлади деб тушунилади.

Бельгия ва **Нидерландияда** Янги йилнинг биринчи кунига катта аҳамият берилади. Шунинг учун қарз олмасликка, янги кийимлар кийишга ҳаракат қилишади. Йил бўйи хонадон фаровон яшаши учун Янги йил дастурхонида кўплаб таом бўлиши муҳим аҳамият касб этишига ишонишади.

Французлар Янги йил тунида тўйиб овқатланиш ва ичимлик ичишга ҳаракат қиладилар. Анъанага кўра, вино етиштирувчи хўжайин вино бочкаси билан қадаҳ чўқиштириб, уни байрам билан табриклаб, янги ҳосил учун ичиши керак. Францияда фақатгина дангаса одам вино тайёрламаслигини ҳисобга олсак, у ердаги хурсандчиликни тасаввур этиш қийин эмас.

Шотландиянинг бир қатор қишлоқларида Янги йил ўзига хос тарзда машъалалар оқими билан кутиб олинади. Бунда қора мой тўлдирилган бочкалар ёқилиб, кўчалар бўйлаб юмалатиб борилади. Шотландияликлар шу тарзда эски йилни "ёқиб" Янги йилнинг йўлини ёритадилар.

Японияда Янги йил буюмлари ичида бахт туморлари — хаскашлар жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар бир японияликка уни сотиб олиш зарур деб ҳисоблайди. Янги йил арафасида у билан бахт йиғиб олинаркан. Янги йил тонг отарида японлар кўчага чиқиб, қуёш чиқишини кутиб оладилар. Қуёшнинг илк нурлари кўриниши билан бир-бирларини табриклаб, совғалар тақдим этишади.

Интернет маълумотлари асосида Адиба ФАЙЗ тайёрлади.

"Барака" кредит уюшмаси аъзолари диққатига!

"Барака" кредит уюшмасининг 2007 йил якунлари бўйича навбатдаги умумий йиғилиш мажлиси 2008 йил 9 февраль куни Ўзбек Миллий академик драма театри биносида 09:00 да ўтказилади.

ООО «ZUDLIK TRANS» Сабир Рахимовского района ИНН 300603783 уменьшает Уставной фонд с 33100000 сум до 3100000 сум.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш — MILLIY TIKLANISH — ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.
E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

® - Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топшириш вақти 22.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 24.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2830
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 6

Босишга топширилди — 22.00